

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.QX.42.01-РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛЛИЕВ АСАМИДДИН ТУРАЕВИЧ**

**ДОН-ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРНИНГ АСОСИЙ  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
УЛАРГА ҚАРШИ УЙҒУНЛАШГАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2024**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун  
тайёрланган диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Table of Contents of Doctor's Dissertation Abstract (DSc) in Agricultural  
Sciences**

**Холлиев Асамиддин Тураевич**

Дон-дуккакли экинларнинг асосий зараркунандаларини биоэкологик  
хусусиятлари ва уларга қарши уйғунлашган химоя қилиш тизимининг илмий  
асослари.....3

**Холлиев Асамиддин Тураевич**

Биоэкологические особенности основных вредителей зернобобовых культур  
и научные основы системы интегрированной защиты против них.....27

**Kholliev Asamidin Turaevich**

Bioecological features of the main pests of grain legumes and the scientific basis of  
an integrated pest management.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....56

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.QX.42.01-РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛЛИЕВ АСАМИДДИН ТУРАЕВИЧ**

**ДОН-ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРНИНГ АСОСИЙ  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИ БИОЭКОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА  
УЛАРГА ҚАРШИ УЙҒУНЛАШГАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2024**

**Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4. DSc/Qx297 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фан доктори (DSc) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Юсупов Абдусалим Холбоевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Торениязов Элмурат Шерниязович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Ҳайтмуратов Арслонбек Файзуллаевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Иминов Абдували Абдуманнобович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти**


Фан доктори (DSc) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.QX.42.01-рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил « 16 » 08 соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: [pxtauz@mail.ru](mailto:pxtauz@mail.ru))


Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_167\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, Ахборот ресурс маркази. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2024 йил « 02 » 08 \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил « 02 » 08 \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_1\_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).



 **Ш.Н.Нурматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

 **Ф.М.Ҳасанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

 **Д.А.Тунгушова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда дон-дуккакли экинлар инсон саломатлиги учун зарур бўлган оқсил, ёғ ва углеводларга бой бўлганлиги сабабли кўп истеъмол қилинадиган озиқ - овқат ҳисобланади. Дон-дуккакли экинлардан юқори ҳосил олиш ва аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун зараркунандаларни сонини кескин камайтириш ва ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш бугунги кунда долзарб вазибалардан ҳисобланади. Дунё миқёсида ФАОнинг 2022 йил маълумотида кўра дуккакли ўсимликлар ҳосилдорлиги (мош, ловия ҳамда нўхат) жами 42,5 млн. тоннани ташкил этиб, жумладан ловиядан 0,78 т/га, нўхатдан 1,74 т/га ҳамда мошдан 1,8 т/га ўртача дон ҳосили олинган<sup>1</sup>. Дон-дуккакли экинлар асосан Ҳиндистон, Хитой, Корея, Россия ва бошқа кўпчилик давлатларда энг кўп экиладиган экинлардан ҳисобланади. Дон-дуккакли экинларининг ҳозирги кунда бир неча ўнлаб турдаги, жумладан, ўргимчаккана, ширалар, ғовак ҳосил қилувчи пашшалар, чертмакчилар, қора қўнғизлар, тунламлар, узунбурунлар ва бошқалар каби бир қанча зараркунандалари мавжуд бўлиб, дон-дуккакли экинларнинг илдизи ва ёш ниҳолларини, вегетатив ва генератив органларини зарарлаб, ҳосилдорликни 35-40% гача камайиши ҳамда ўсимликларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади. Зараркунандаларга қарши курашмасдан туриб дон-дуккакли экинларидан юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиб бўлмайди.

Дунё қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган дон-дуккакли экинларида зарар келтираётган зараркунандаларининг тур таркиби, биологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарарини ўрганиш асосида уларга қарши самарали курашиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳонда озиқ-овқат танқислигини олдини олиш ҳамда мамлакатимиз аҳолисини узлуксиз таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, ҳажми ҳамда турларини кенгайтиришда янги навларини яратиш, суғориш тизимларини такомиллаштириш, агротехник қоидаларига тўлиқ амал қилиш ва ўз навбатида дон-дуккакли экинлардаги зараркунандаларга қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз шароитида дон-дуккакли экинлардан олинадиган ҳосилга бўлган талабни қондиришда бир қанча кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»<sup>2</sup>ги фармонида биологик хавфсизликни

<sup>1</sup><https://ourworldindata.org/agricultural-production>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

таъминлаш, қишлоқ хўжалигида табиий ресурслар, пестицидлар ва кимёвий воситалардан фойдаланишни назорат қилиш бўйича вазифалар белгилаб берилган. Шу муносабат билан дон-дуккакли экинлар зараркунандаларига қарши курашишнинг самарали усулларидан фойдаланган ҳолда, ундан олинадиган ҳосилдорликни ошириб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПФ-6262-сонли «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда 2023 йил 7 июлдаги ПҚ-216-сонли «Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Дон-дуккакли экинлар агробιοценозида учрайдиган зараркунандалардан тунламлар, ширалар, трипслар, туганак узунбурунлар, донхўрлар ва ўргимчакканаларнинг биологик ва экологик хусусиятлари, зарари ҳамда уларга қарши турли кимёвий гуруҳга мансуб пестицидлардан фойдаланиб кураш чоралари бўйича илмий изланишлар ўтказилган: Ҳиндистон, АҚШ, Миср, Покистон, Эрон, Бангладеш, Россия бошқа бир қатор мамлакатларда илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, булардан Gour University (Ҳиндистон), South Dakota State University (АҚШ), Mansoura University (Миср), Pir Mehr Ali Shah Arid Agriculture University Rawalpindi (Покистон), University of Tehran (Эрон), Sindh Agriculture University Tandojam, Sher-e-Bangla Agricultural University (Бангладеш), Бутунроссия ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтларида (Россия) тадқиқотлар ўтказилиб келинмоқда.

Дон-дуккакли экинларни асосий зараркунандаларидан, тунламлар, ширалар, трипслар, туганак узунбурунлар, донхўрларнинг зарари ҳамда уларга қарши кураш бўйича Ҳиндистон, АҚШ, Миср, Покистон, Эрон Россия бошқа бир қатор мамлакатларда кўплаб натижалар олинган. Дон дуккакли экинларни ширалар, трипслар, туганак узунбурунлар, донхўр брухуслардан ҳимоя қилиш бўйича юқори самарадорликка эришилган (Gour University, South Dakota State University, Mansoura University, Pir Mehr Ali Shah Arid Agriculture University Rawalpindi, University of Tehran, Sindh Agriculture University Tandojam, Sher-e-Bangla Agricultural University, Бутунроссия ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтлари).

Ҳозирги кунда дон-дуккакли нўхат, мош ва ловия экинлари зараркунандаларига қарши курашда зараркунандалар миқдорини

бошқаришда агротехник тадбирларни қўллаш, биологик кураш усулларини ишлаб чиқиш, зараркунандаларга қарши кимёвий ҳимоя воситаларини қўллашнинг регламенти ва ишлатиш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ишлаб чиқилмаган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда нўхат, мош, ловия каби дон-дуккакли экинлари энг кўп етиштирилаётган давлатлар Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Россия ва Осиё мамлакатлари ҳисобланиб, зараркунандалар тур таркиби, тарқалиши, зарари, биологик ва экологик ривожланиш хусусиятлари ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича В.Аnnis., R.A.Balikai., F.Pennacchio., P.Panti., P.Falabella., M.C. Digilio., F.Bissaccia., E.Tremblay., M.J.Gerding., D.Hardie., G.Baker., D.Marshall., D.Hardie., and S.Clement., J.Horne., and P.Bailey., P.Michael., D Hardie., and P.Mangano., Verma Sumeyet., Anjay Kumar Gupta and Mittal Nupur., P.Robert., M.William ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Марказий Осиё мамлакатларида дон-дуккакли экинларнинг зараркунандалари тўғрисида дастлаб, В.В.Яхонтов, В.Н.Полевшикова, В.Н.Сорокина, Республикамиз шароитида Н.М.Махмудхўжаев, А.У.Сагдуллаев, С.Э.Дусманов, Ш.А.Махмудова, А.Н.Норкуловлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, Республикамиз шароитида етиштирилаётган дон-дуккакли экинларнинг зараркунандаларига қарши уйғунлашган ҳимоя тизими ишлаб чиқилмаган, кейинги йилларда дон-дуккакли экинлар агробιοценозида учрайдиган зараркунандалар таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлиб, биологик ва экологик хусусиятлари ўзгарди, бу эса уларга қарши уйғунлашган ҳимоя тизимини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация илмий тадқиқоти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти мавзу режаси асосида ҚХАЁ-9-006-2016 «Дуккакли экинларининг ҳосилини ҳимоя қилиш учун донхўр брухусларга (*Bruchidae*) қарши самарали восита ва усуллар мажмуини яратиш» (2016-2017 йй.), БВ-И-ҚХ-2018-66: «Дуккакли-дон (нўхат, мош, ловия) экинларининг асосий зараркунандаларига қарши илмий асосланган кураш тизимини жорий этиш» (2018-2019 йй.), ҚХ-ЁА-БВ-2018-120 «Нўхатнинг асосий зараркунандаларини биоэкологияси ва уларга қарши кураш тизимини такомиллаштириш» (2018-2019 йй.) амалий лойиҳалари ҳамда Тошкент давлат аграр университетининг илмий ишлари режаси асосида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедрасининг «Янги кимёвий воситаларни синовдан ўтказиш ва биологик самарадорлигини аниқлаш» (2022-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дон-дуккакли экинлардан нўхат, мош ва ловия биоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари ва зарар келтириш даражасини тадқиқ этган ҳолда уларга қарши уйғунлашган ҳимоя тизимини илмий - амалий асослашдан

иборат.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

нўхат, мош ва ловия экинларида мавжуд бўғимоёқлилар типига мансуб зараркунандаларнинг тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, тарқалиши ва зарар келтириш даражасини аниқлаш;

дон-дуккакли экинларни асосий зараркунандаларининг иқтисодий зарар миқдор мезонига асосланган ҳолда, уларга қарши кураш чораларини илмий асосланган муддатларини белгилаш;

агротехник тадбирларни туганак узунбурунлар, беда қандаласи, нўхат шираси, ўргимчаккана ва бошқа зараркунандаларнинг ривожланишига таъсирини тадқиқ этиш;

агробиоценозда учрайдиган *Coccinellidae*, *Chrysopidae*, *Thipidae*, *Tashinidae*, *Brakonidae*, *Trichogrammatidae*, *Antocoridae*, *Syrphidae*, *Arachnoidea* оилалари ҳамда бошқа табиий кушандалар турларини аниқлаш, зараркунандалар сонини камайтиришда биологик кураш усулини ишлаб чиқиш;

ловия ва мош экинларида учрайдиган ўргимчаккана, шира, трипсга қарши курашда *Abamectin*, *Propargite* ва *Acetamiprid* таъсир этувчи моддасига эга препаратларнинг токсик қолдиқ миқдорини аниқлаш;

дон-дуккакли экинларни зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш тизими ҳамда қўлланилган ўсимликларни химоя қилиш воситаларининг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида *Phaseolus vulgaris* L., *Vigna radiata* L., ва *Cicer arietinum* L., экинлари ҳамда уларда учрайдиган ширалар, трипслар, тунламлар, ғовак ҳосил қилувчи пашшалар, ўргимчаккана ва донхўрлар, паразит-йиртқич энтомофаглардан олтинкўз ҳамда бракон олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** этиб, Бета Про микробиологик препарати ва турли кимёвий синфга мансуб, таъсир этувчи моддаси *Lambda-cyhalothrin*, *Imidacloprid*, *Emamectin benzoate*, *alpha-Cypermethrin*, *Indoxacarb*, *beta-Cypermethrin*, *Thiamethoxam* ҳамда *Acephate* воситалари олинган.

**Тадқиқот услублари.** Тадқиқотлар энтомология ва ўсимликларни химоя қилишда кенг қўлланиладиган услублар ёрдамида бажарилди. Ловия, мош ва нўхат экинларининг зараркунандаларини ҳисобга олиш, зараркунанда ва энтомофагларнинг турини аниқлаш учун кузатувлар олиб бориш ва намуналар йиғишда Г.М.Ярославцев, Г.Е.Осмоловский, В.Ф.Палий, К.К.Фасулати, Я.Вайзер, Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, Танский, Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Вольков, Л.М.Копаневалар услубларидан фойдаланилди. Зараркунандаларнинг биологик ҳамда экологик хусусиятларини ўрганиш ва фенокалендар тузишда К.К.Фасулати, В.Ф.Палий, Б.В.Добровольский, Е.А.Дунаев, А.Н.Кожанчиков услубларидан фойдаланилди. Дон-дуккакли экинларининг асосий зараркунандаларининг озуқавий занжирини аниқлаш мақсадида далада ва унинг атрофида мавжуд бўлган бегона ўтларда зараркунандаларнинг учраши ўрганилди. Табиий кушандалар турлари ва уларнинг зараркунандалар сонини камайтиришга таъсири Н.В.Бондаренко,

Х.Р.Мирзалиева ва Ш.Т.Хўжаев услублари асосида аниқланди. Агротоксикологик таҳлиллار Ш.Т.Хўжаев услубий кўрсатмалари асосида бажарилди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг биологик самарадорлиги ва объектнинг табиий учраши (назорат)ни аниқлаш Abbot формуласи ёрдамида ҳисобланди. Асосий зараркунандаларнинг зарарини аниқлашда В.В.Танский услубидан фойдаланилди. Айрим агротехник тадбирларнинг асосий зараркунандалар ривожланиши ва зичлигига таъсири В.Н.Щеголев, И.Ф.Павлов, М.Д.Вронских В.И.Танский, Б.В.Яковлев услублари асосида тадқиқ этилди. Таҷрибаларда олинган натижалар Б.А.Доспехов, В.Ф.Моисейченко, В.Попов услублари бўйича MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди. Дон-дуккакли экинлар зараркунандаларига қарши кураш усуллариининг иқтисодий самарадорлиги К.А.Гар услуби асосида ҳисобланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор, нўхат, мош, ловия экинлари агробиоценозида мавжуд *Acariphormes*, *Orthoptera*, *Coleoptera*, *Homoptera*, *Heteroptera*, *Diptera*, *Lepidoptera* ва *Thysanoptera* туркумларига мансуб зараркунандаларнинг 40 тури аниқланиб, улардан асосийлари туганак узунбурунлар, донхўрлар, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси, тунламларнинг тарқалиши, зарари ҳамда биоэкологик ривожланиш хусусиятлари аниқланган;

дон-дуккакли экинлар агробиоценозида учрайдиган туганак узунбурунлар, беда қандаласи, нўхат шираси ва ўргимчакканаларга қарши кураш чораларини илмий асосланган муддатлари белгиланган;

агротехник тадбирларни (экиш муддати, экишдан олдин ерга ишлов бериш) туганак узунбурунлар, беда қандаласи, нўхат шираси, ўргимчаккана ва бошқа зараркунандаларнинг ривожланишига таъсири аниқланган;

дон-дуккакли экинларни экишдан олдин фосфорли-калийли ўғитлар қўлланилганда, ўсимлик шираларининг популяцияси 28,2-35,1%, беда қандаласи 17,6-38,9% ва ўргимчаккана 18,9-34,7% камайганлиги, қатор оралари 35 см ораликда экилган жойларда намсевар мезофил зараркунандалар зичлиги юқори ва кўп зарарлаши, 60 см кўчат оралиги 8-10 см қилиб экилган майдонларда эса ксерофиль зараркунандаларнинг миқдори кўп бўлиб, улар келтирадиган зарар ҳам юқори бўлиши аниқланган;

нўхат, мош, ловия экинлари агробиоценозида фойдали энтомофаг ҳашаротларнинг 9 оилага мансуб 15 турлари учраши аниқланган, шунингдек, ғўза тунламига қарши 100 туп ўсимликда 1-2 дона кичик ёшдаги куртлар учраганида 1:15, 1:20 нисбатларда, 3-4 дона курт учраганида 1:5, 1:10 нисбатларда бракон энтомофаги тарқтилганда 54,2-83,6% биологик самарадорлик аниқланган;

ловия ва мош экинларида учрайдиган ўргимчаккана, шира, трипсга қарши курашда *Abamectin*, *Propargite* ва *Acetamiprid* таъсир этувчи моддасига эга препаратларнинг токсик қолдиқ миқдори аниқланган;

дон-дуккакли (нўхат, мош, ловия) экинларнинг зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш тизими ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

дон-дуккакли экинларига зарар етказадиган, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган асосий зараркунандаларни белгилаб, уларнинг зарарлилиги, асосий зараркунандаларга қарши хавфсиз бўлган агротехник ва биологик кураш усуллари ҳамда кимёвий курашнинг замонавий усул ва воситалари ишлаб чиқилган;

нўхат экинида нўхат пашшасига қарши Компрадор, 35% с.к., Вертимек, 1,8% к.э., Багира, 20% эм.к., Поло, 50% эм.к., Нуринол, 55% эм.к. ва Энтолучо, 20% эм.к. кимёвий препаратлари қўлланилганда назоратга нисбатан 4,2-5,5 ц/га ҳосилни, ғўза тунламига қарши Энтовант Про 30% с.э.г., Аваунт, 15% эм.к., Индоксакарб Оригинал 30% с.д.г., ҳамда Бета Про қўлланилганда 4,6-5,3 ц/га, ловиянинг донхўр брухусларига қарши БИ-58 (янги) 40% эм.к., Караче 10% эм.к., Атилла 5% эм.к. қўлланилганда 3,9-4,8 ц/га ва мошда ўргимчакканаларга Химголд, 72% эм.к., Вертимек 1,8% эм.к., Алтин 1,8% эм.к., Узмайт, 57% эм.к. инсектоакарицидлари қўлланилганда 5,2-5,9 ц/га ҳосил сақлаб қолинган;

нўхат пашшасига қарши Компрадор, 35% с.к., Вертимек, 1,8% к.э., Багира, 20% эм.к., Поло, 50% эм.к., Нуринол, 55% эм.к., ва Энтолучо, 20% эм.к., қўлланилганда назоратга нисбатан 1470,0-2480,0 минг сўм/га, ғўза тунламига қарши Энтовант Про 30% с.э.г., Аваунт, 15% эм.к., Индоксакарб Оригинал 30% с.д.г., ҳамда Бета Про қўлланилганда 1920,0-2550,0 минг сўм/га, донхўр брухусларга қарши БИ-58 (янги) 40% эм.к., Караче 10% эм.к., Атилла 5% эм.к. қўлланилган вариантда 2080,0-2700,0 минг сўм ва мошда ўргимчакканаларга қарши Химголд, 72 % эм.к., Вертимек 1,8% эм.к., Алтин 1,8% эм.к., Узмайт, 57% эм.к., инсектоакарицидлари қўлланилганда 2410,0-3080,0 минг сўм иқтисодий самарага эришилган;

ловия экинида туганак узунбурунларга қарши Круизер экстра 362 г/л сус.к. 3 л/т, Далучо 70% н.кук., 5 кг/т ва Агро гаучо 70,0% н.кук 3 кг/т сарф миқдорида инсектицид уруғдорилари қўлланилганда Круизер экстрада 4,7 ц/га, Далучода 4,2 ц/га ва Агро гаучода 4,8 ц/га кўпроқ ҳосил сақлаб қолинган ҳамда Круизер экстрада 1500,0 минг сўм самарага эришилиб, сарфланган ҳар бир сўм ўзини 8,7 марта, Далучода самарадорлик 1290,0 минг сўм ва ҳар бир сўм ўзини қоплаши 9,9 марта ва Агро гаучо қўлланилганда эса 1590,0 минг сўм иқтисодий самара олиниб 8,3 марта қопланиши аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, олиб борилган илмий тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари шароитларида дон-дуккакли (*нўхат, мош, ловия*) экинлар агробиоценозида *Acariphormes, Orthoptera, Coleoptera, Homoptera, Heteroptera, Diptera, Lepidoptera* ва *Thysanoptera* туркумларига мансуб зараркунандаларнинг турлари аниқланиб, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси, майса узунбурун кўнғизи, тўрт доғли донхўрларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, зарар келтириш даражаси аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, дон-дуккакли (*нўхат, мош, ловия*) экинларида учрайдиган зараркунандалардан, туганак узунбурунлар, ширалар, донхўр брухусларга қарши *Imidacloprid, Thiamethoxam, Acephate* ғўза тунламига қарши курашда *Bacillus thuringiensis, Emamectin benzoate, Indoxacarb*, донхўр брухусларга қарши *Lambda-cyhalothrin, Dimethoate*, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшасига қарши *Imidacloprid, Abamectin* таъсир этувчи хусусиятларга эга кимёвий препаратларни қўллаш орқали фермер хўжаликларида ҳосилни сақлаб қолишга ва юқори иқтисодий иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дон-дуккакли экинларнинг асосий зараркунандаларини тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, зарарини ўрганиб, уларга қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини илмий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

дон дуккакли экинлар етиштирадиган фермер хўжаликлари учун «Дуккакли дон экинларининг асосий зараркунандаларига қарши кураш чоралари бўйича тавсиянома» тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 14 декабрдаги 07/22-06/1480-сон маълумотнома). Ушбу тавсиянома ловия, мош ва нўхат каби экинлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

мош ва ловия экинининг ўсув даврида ўргимчаккана, шира ва трипсларга қарши биологик усулда курашда олтинкўз энтомофагини қўллаш Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида 3,0 га, Тошкент тумани, «Сардор яшил далалари» ф/хда 2,0 га, Ўртачирчиқ тумани Шоличилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида 2,0 га ҳамда Қашқадарё вилояти Қамаш тумани «Бахтишод» ф/х 5,0 га, жами 12,0 га майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 14 декабрдаги 07/22-06/1480-сон маълумотнома). Натижада, ўргимчаккана, шира ва трипс каби сўрувчи зараркунандаларга қарши 55,2-90,1% биологик самарадорликка эришилган;

нўхат, мош, ловияни асосий кемирувчи зараркунандаларидан, илдиз кемирувчи тунламлар, туганак узунбурунлар, қарсилдоқ кўнғизлар, қора кўнғизларга қарши уруғларини экишдан олдин Далучо 70% н.кук. (5 кг/т), Агро

гаучо 70% н.кук. (5 кг/т) ва Круизер Экстра 362 сус.к. (3 л/т), Крейсер Экстра Голд 362 (3 л/т) билан дорилаб экиш Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида 7,0 га ва Ўртачирчиқ тумани, Шоличилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида 6,5 га ва Қашқадарё вилояти Қамаш тумани «Хусан бобо» ф/х 8,0 га, «Бахтишод» ф/х 7,5 га, «Адхам полвон инвест» ф/х 6,0 га, жами 35,0 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 14 декабрдаги 07/22-06/1480-сон маълумотнома). Натижада, ниҳоллар униб чиққандан сўнг 30-35 кунгача илдиш ва ниҳол зараркунандаларига қарши 83,5-87,0% биологик самарадорликка эришилган ва 4,2-4,8 ц/га ҳосил ортган, рентабеллик 830,0-870,0 %ни ташкил этган.

мош ва ловия экинида ўргимчакканага қарши Вертимек, 1,8% эм.к. (0,3 л/га), Ниссоран, 5% эм.к. (0,2 л/га), Агроплан нео 20% с.э.к., (0,2-0,3 л/га), Акара био 72% эм.к. (0,3-0,5 л/га), Химголд, 72 % эм.к. (0,3 л/га), кемирувчи зараркунандалардан кузги тунлам, қарсилдоқ қўнғизлар ва қора қўнғизларга қарши Децис 10% эм.к. (0,1 л/га), Энджео 24,7% сус.к. (0,3 л/га), ғўза тунламига қарши Энтовант про 30% с.э.г. (0,25-0,3 г/га), Индоксакарб Оригинал 30% с.д.г. (0,25-0,3 г/га), Альфа эмабектин 5% с.д.г. (0,3-0,4 г/га)., нўхат экинида ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшасига қарши Вертимек 1,8% э.к. (0,2-0,3 л/га), Абабектин ПЛЮС 3,6% эм.к., (0,1-0,2 л/га) Эсперо 32% сус.к. (0,2-0,3 л/га) препаратларини қўллаш Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида 12,0 га, Тошкент тумани, Навоий Миришкор ҳудуди “Сардор яшил далалари” ф/х 13,5 га ва Ўртачирчиқ тумани, Шоличилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида 15,0 га ҳамда Қашқадарё вилояти Қамаш тумани Хусан бобо ф/х 18,0 га, Бахтишод ф/х 21,5 га, Адхам полвон инвест ф/х 17,5 га ва Наманган вилояти, Поп тумани Раис Санг ф/х 16,0 га, жами 113,5 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 14 декабрдаги 07/22-06/1480-сон маълумотнома). Натижада, зараркунандаларга қарши 86,2-97,0% биологик самарадорликка эришилган ва гектаридан 25,0-30,0% ҳосил кўпроқ олинган, 1470,0-3080,0 минг сўм самарага эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Тошкент давлат аграр университети махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, тадқиқот иши натижалари халқаро, мамлакат миқёсидаги турли анжуманларда, университет илмий кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган, шунингдек, 4 та Республика ҳамда 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш бўйича тавсия берилган илмий-амалий журналларда 9 та мақола жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда мақолалар нашр қилинган ҳамда 1 та монография, 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурияти, тадқиқотлар республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мос келиши, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дон-дуккакли экинларни зараркунандалардан химоя қилиш бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи таҳлил қилинган бўлиб, унда дон дуккакли экинларининг зараркунандаларини тур таркиби, биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари юзасидан адабиётлар таҳлил қилинган. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида дон-дуккакли экинларнинг зараркунандалари ҳамда энтомофаунасининг тур таркибини систематик таҳлил қилиб, зараркунандаларнинг асосийлари ва иккиламчиларига ажратиш, биоэкологиясини ўрганган ҳолда қарши курашнинг уйғунлашган химоя тизимини илмий асослаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан эканлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой ва иш услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари келтирилган.

Тажрибалар 2018-2023 йиллар мобайнида Тошкент вилоятининг Қибрай тумани, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти, Ўсимликлар карантини ва химояси илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида, Тошкент тумани Навоий Миришкор агрофирмаси худуди Сардор яшил далалари фермер хўжалигида, Ўртачирчиқ туманида жойлашган Шоличилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида ва Қашқадарё вилояти, Қамашли тумани, Хусан бобо, Бахтишод, Адхам полвон инвест фермер хўжаликларидан ҳамда Наманган вилояти, Поп тумани Раис Санг фермер хўжалигида олиб борилганлиги келтирилган.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ловия, мош ва нўхат экинларининг зараркунандаларини ҳисобга олиш, зараркунанда ва энтомофагларнинг турини аниқлаш учун кузатувлар олиб бориш ва намуналар йиғишда Г.М.Ярославцев, В.Ф.Палий, Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Вольков ва бошқ., Л.М.Копанева услубларидан; дон дуккакли экинларни асосий зараркунандаларининг биологик ҳамда экологик хусусиятларини ўрганиш ва

фенокалендар тузишда К.К.Фасулати, В.Ф.Палий, Б.В.Добровольский, Е.А.Дунаев, А.Н. Кожанчиков услубларидан; агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, В.Ф. Пересыпкин ва бошқ., Т.И.Сухорученко ва бошқ., услубларидан, қўлланилган воситаларнинг биологик самарадорлигини ҳисобга олиш Abbot ва Khattak услубларидан; қўлланилган усулларнинг иқтисодий самарадорлиги К.А.Гар услубларидан фойдаланилган, тажрибаларда олинган натижалар Б.А.Доспехов, В.Ф. Моисейченко ва бошқ., ва В.Попов услублари бўйича MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Дон-дуккакли экинлар агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби, тарқалиши, зарари ва биоэкологик хусусиятлари ҳамда табиий кушандалари» деб номланган учинчи бобида дон-дуккакли экинларда учрайдиган зараркунандалардан ўргимчаксимонлар (*Arachnoidea*) синфига *Acariphormes* туркумига мансуб 1 та тур, тўғриқанотлилар (*Orthoptera*) туркумига мансуб 3 та тур, кўнғизлар (*Coleoptera*) туркумига мансуб 13 та тур, тенг қанотлилар (*Homoptera*) туркумига мансуб 8 та тур, қандалалар (*Heteroptera*) туркумига мансуб 3 та тур, иккиқанотлилар (*Diptera*) туркумига мансуб 1 та тур, тангақанотлилар ёки капалаклар (*Lepidoptera*) туркумига мансуб 7 та тур ҳамда пуфакоёқлилар ёки трипслар (*Thysanoptera*) туркумига мансуб 4 та тур зараркунандалар аниқланган, тадқиқотлар натижасига кўра дон-дуккакли экинлар агробиоценозида 40 та турдаги зараркунандалар учраши ҳисобга олинган (1-жадвал).

Тадқиқотларда дон-дуккакли экинларга ўргимчаккана – *Tetranychus urticae* Koch., дағал тукли узунбурун кўнғизи – *Setona crinitus* Hbst., майса узунбурун кўнғизи – *Setona cylindricollis* Fahr., тўрт доғли донхўр – *Callosebruchus maculates* Z., ловия донхўри – *Acanthoscelides altectus* Sag., акация шираси – *Aphis medicaginis craccivora* Koch., дала сўқир қандаласи – *Lygus pratensis* L., ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси – *Liriomyza cicerina* Rond., ғўза тунлами – *Heliothis armigera* Hb., кузги тунлам – *Agrotis segetum* Schiff., каби зараркунандалар жиддий зарар келтириши аниқланган.

Ушбу зараркунандалардан дон-дуккакли экинлар учун ихтисослашган туганак узунбурунлар, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси ва донхўрларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Шунинг билан бирга ширалар, нўхат пашшаси, ғўза тунлами, донхўрлар ва туганак узунбурунларнинг дон-дуккакли экинларни зарарлаш даражаси мониторинги келтирилган. Туганак узунбурунлар, узунбурун кўнғизлар (*Curculionidae*) оиласи қисқа хартумли филчалар (*Curculionidae adelognathi*) кичик оиласи ва *Sitona* Germ (*Sitones* Schonh) авлодига мансуб ҳашаротлардир. Бу ҳашаротларнинг личинкалари дон-дуккакли ўсимликлар илдизида ҳосил бўладиган азот тўпловчи туганаклари билан озиқланганлиги билан ҳарактерланади ва туганак узунбурун деб номланган. Тадқиқотларда дон дуккакли экинларда бир нечта туганак узунбурун кўнғизлари ривожланиб зарар келтириши аниқланди. Булардан 3 тур, яъни майса узунбурун кўнғизи (*Sitona cylindricollis* Fahrs.), ола була нўхат узунбурун кўнғизи (*Sitona linellus*

Дон-дуккакли экинлар агробиоценозида аниқланган зараркунанда турларини ва учраш даражаси (2018-2023 йилларда).

№	Тур номи	Мош				Ловия				Нўхат	
		Тошкент	Қашқадарё	Наманган	Тошкент	Қашқадарё	Наманган	Тошкент	Қашқадарё	Наманган	Тошкент
1.	Ўғимчаккана- <i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+++	+++	+++	+++	+++	+++	-	-	-	-
2.	Марокаш чигирткаси- <i>Dociostaurus maroccanus</i> Thunb.	+	++	+	+	+	+	+	+	+	-
3.	Отбосар чигирткаси- <i>Dociostaurus kraussii</i> Ling.	+	+	+	+	++	+	+	+	+	+
4.	Яшил темирчак- <i>Tetragonia viridissima</i> L.	++	++	++	++	++	+	+	++	++	+
5.	Дағал тукли узунбурун кўнғизи- <i>Setona crinitus</i> Hbst.	+	+	+	-	-	-	+	+	+	+
6.	Майса узунбурун кўнғизи- <i>Setona cylindricollis</i> Fabr.	+++	+++	++	++	++	+	++	++	+++	+
7.	Ола була нўхат узунбурун кўнғизи- <i>Sitona lineellus</i> Bausd.	+	+	+	+	+	-	+++	++	++	+
8.	Мўйловдор кўнғизсимон чертмакчи- <i>Clon ceratubuscus</i> Sem.	+	+	+	++	+++	-	++	++	+++	+
9.	Туркистон чертмакчиси- <i>Agriotes meticulosus</i> Cand.	+	+	+	++	++	+	++	++	+++	+
10.	Хумкалла(кравчик) кўнғизи- <i>Lethrus pygmaeus</i> Ball.*	-	-	-	+	++	+	-	-	-	-
11.	Дала сукташи- <i>Opatrum sabulosum</i> L.	++	++	++	+	-	+	+	+	+	+
12.	Икки доғли малхамчи кўнғиз- <i>Mulovzis biguttata</i> Gelb.*	-	-	-	-	-	-	+	+	+	+
13.	Бурундор қора кўнғиз- <i>Dailognatha nasute</i> Men.	+	+	+	+	++	-	+	+	+++	+
14.	Чўл секин юрар кўнғизи- <i>Blapsholaphila</i> F. W.	+	+	+	+	++	+	+	+	+++	+
15.	Ловия донхўри- <i>Acanthoscelides altectus</i> Sag.	++	++	++	+++	+	++	+++	++	++	++
16.	Нўхат донхўри- <i>Bruchus pisorum</i> L.	+	+	+	++	+	+	+++	++	++	++
17.	Тўрт доғли донхўр- <i>Callosebruchus maculatus</i> Z.	+++	+++	++	+++	+++	++	+++	+++	+++	++
18.	Нўхат шираси- <i>Acyrtosiphon onobrychis</i> Fonse.	++	++	++	+	+	++	+++	++	++	+++

Т/р	Тур номи	Мош			Ловня			Нўхат		
		Тошкент	Қашқадарё	Наманган	Тошкент	Қашқадарё	Наманган	Тошкент	Қашқадарё	Наманган
19.	Дуқаклилар шираси- <i>Aphis fabae</i> Scop.	++	++	++	+	+	-	+	-	-
20.	Акация шираси- <i>Aphis medicaginis gracivora</i> Koch.	++	++	+++	+++	++	++	+++	++	++
21.	Полнз шираси- <i>Aphis gossypii</i> Glon.	++	++	++	+++	++	++	+	+	+
22.	Илдиз шираси- <i>Erisoma ulmi</i> L. *	+	+	+	+	-	-	+	-	+
23.	Ўткир елкали қандала- <i>Sarrocorys fuscispinus</i> Boh.	++	++	++	+	-	-	+	-	+
24.	Дала қандаласи- <i>Lugus pyatensis</i> L.	++	++	++	+	++	+	++	++	+
25.	Беда қандаласи- <i>Adeiphocoris lineolatus</i> Goes.	++	++	++	++	+++	+	++	+	-
26.	Иссиҳона оқканоти- <i>Trialeurodes variegatum</i> Westw.	++	++	++	++	+	++	+	+	+
27.	Ғўза ёки тамаки оқканоти- <i>Bemisia tabaci</i> Genn.*	+	+	+	-	-	-	+	+	-
28.	Дуқаклилар трипси- <i>Odontothrips intermedius</i> Uzel.	++	+	++	+	+	+	-	-	-
29.	Тамаки трипси- <i>Thrips tabaci</i> Lind.	+++	+++	++	++	++	++	+	+	-
30.	Ғўза трипси- <i>Thrips gossypii</i> Jakh. *	+	+	+	-	-	-	-	-	-
31.	Кўк цикада (саратон)- <i>Cicadella viridis</i> L.	+	+	+	+	++	-	-	-	-
32.	Ғўза тунлами- <i>Heliothis armigera</i> Hb.	++	++	++	+++	++	++	+++	+++	+++
33.	Ёввойн тунлами- <i>Agrotis conspurcua</i> Hb.	+	+	-	-	-	-	-	-	-
34.	Кузги тунлам- <i>Agrotis segetum</i> Schiff.	++	++	++	+++	++	++	++	+++	++
35.	Метал тусли тунлам- <i>Phytometra confuse</i> Steph.	+	-	+	-	-	+	-	-	-
36.	Ундов тунлами- <i>Agrotis eclamationis</i> L.	+	+	+	+	+	+	-	-	-
37.	Гамма тунлами- <i>Phytometra gamma</i> L.*	+	+	+	-	-	-	-	-	-
38.	Қарапринна- <i>Sporoptera exigua</i> Hbn.*	+	+	+	+	+	-	-	-	-
39.	Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси- <i>Liriomyza cicerina</i> Rond.	-	-	-	+	+	+	+++	++	++
40.	Зарарли бузоқ боши- <i>Polyphilla adspersa</i> Motsch	++	++	+	+	+	+	-	-	-

Изоҳ: +кам учрайди, ++энг кўп учрайди, +++тача даражада учрайди, -учрамайди, \* -илк бор тадқиқотларимизда учраган зараркуанда турлари.

Bansd) va daғal tukli uzunburun kўnғizlari (*Setona crinitus* Hbst) учраши кузатилди, дон-дуккакли экинларга катта зарар етказадигани майса узунбурун кўнғизи (*Setona cylindricollis* Fahrs.) эканлиги аниқланди. Тадқиқотлар давомида эрта баҳорда беда экинларида ўртача ҳаво ҳарорати +5-7°C бўлганида туганак узунбурунларнинг қишки диапаузадан чиқиши аниқланди.

Ушбу зараркунандалар кейинчалик дон-дуккакли экинларда ҳам учрай бошлади. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, туганак узунбурун кўнғизлар ловия ўсимлигининг ниҳоллари 3-4 та чин барг чиқарган даврида кузатилди, яъни 2018 ва 2019 йилларда апрел ойининг иккинчи ҳамда учинчи декадасида, 2020 йилда май ойининг биринчи декадасида, 2021 йилда апрел ойининг иккинчи декадасида ҳамда 2022 ва 2023 йилларда май ойининг биринчи ҳамда иккинчи декадасида учраши кузатилди. Мош экинларида эса бу зараркунанда 15-20 кун кейин учраши аниқланди. Бу муддат эса 2018 йилда май ойининг иккинчи декадасига, 2019, 2020, 2021, 2022 ва 2023 йилларда май ойининг учинчи декадасига тўғри келган (2-жадвал).

Туганак узунбурун кўнғизларининг бир йиллик дуккакли дон экинларида учраши турли муддатларда бўлади.

Ловия экинларида ниҳол 3-4 чин барг чиқарган вақтида учраса, мош экинида ўсимлик шоналаш фазасига кирганда ва нўхат ўсимлиги гуллаш фазасига кирганда туганак узунбурун кўнғизлари учрайди. Зараркунанданинг миграциясини ўсимлик танасидаги физиологик жараёнлар билан боғлаш мумкин. Тадқиқотларда туганак узунбурун кўнғизи ловия барглари билан, мошнинг шона барглари билан ва нўхатнинг гул нектари билан озиқланганлиги кузатилган.

Бир хил ҳарорат ва намликда турли ўсимликлар билан озиқланган бир турдаги узунбурун кўнғизларининг тухумдан то етук зотлик давригача ривожланиш даври турлича бўлган.

## 2-жадвал

### Туганак узунбурунларнинг баҳорда дон-дуккакли экинларда пайдо бўлиш муддатлари

(Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти, 2018-2023 йй.)

Т/р	Кузатув ўтказилган йиллар	Кузатувдаги экин турлари					
		ловия	Т°C	мош	Т°C	нўхат	Т°C
1.	2018 йил	16.04	17,4°C	14.05	22,7°C	6.06	25,2°C
2.	2019 йил	25.04	16,8°C	20.05	21,6°C	8.06	26,0°C
3.	2020 йил	4.05	23,0°C	21.05	24,2°C	2.06	23,0°C
4.	2021 йил	24.04	22,6°C	22.05	22,4°C	23.05	24,3°C
5.	2022 йил	11.05	21,0°C	24.05	23,7°C	24.05	25,1°C
6.	2023 йил	22.05	23,2°C	27.05	24,8°C	28.05	25,8°C

Тадқиқотларда туганак узунбурун кўнғизларининг бир авлоди ривожланиши учун 799,5– 932,4°C фойдали ҳарорат йиғиндиси керак бўлиши аниқланди. Бу зараркунанда иқлим шароити қулай келса йил давомида тухум қўйиб кўпайиши мумкин, лекин уларнинг нормал ривожланиши учун 28°C ҳаво ҳарорати ва 75–100 % нисбий намлик зарурлиги кузатилди. Шунинг

учун ҳам куз-қиш-баҳор мавсуми давомида туганак узунбурунларининг ривожланиши яқунланмаслиги аниқланган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Туганак узунбурунларининг ривожланиш даври**  
(Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти,  
лаборатория тажрибаси, 2018 йил).

Т/р	Зараркунанда йиғилган экин турлари	1 жуфт ♀:♂ кўйил-ган вақти, кун.	Тухум кўйишнинг бошланиши, кун	Личинкалар чиқishi бошланиши, кун.	Ғумбак даврининг бошланиши, кун	Етук зотини учиб чиқиш, кун	Бир авлодининг ривожланиш даври, кун	Фойдали ҳарорат йиғиндиси °С
1.	Ловия	12.04	1,3	16,0	27,2	11,8	56,3	799,5
2.	Мош	16.05	2,6	14,7	31,6	13,4	62,3	890,9
3.	Нўхат	23.05	2,3	16,7	31,4	14,8	65,2	932,4

Майса узунбурун қўнғизининг нўхат экинида ривожланиш фенологияси ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда ушбу зараркунанда мавсумда 2 марта авлод бериши аниқланди (1-расм).


ЯНВАР			ФЕВРАЛ			МАРТ			АПРЕЛ			МАЙ			ИЮН			ИЮЛ		
I	II	III	II	III		I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Нўхат экинининг ривожланиш давлари																				
кишлов	кишлов	кишлов	бега	бега	экилди (нўхат)	ўғиб чиқди	шохла-ниши	шохла-ниш	шохла-ниш	шохла-ниш	гуллаши	гуллаши	дуккак хосили	дуккак хосил	пиши-ши	пиши-ши	такро-рий	такро-рий	такро-рий	такро-рий
Майса узунбурунларининг ривожланиш давлари																				
							○	○	○	○										
												○	○	○	○					

Шартли белгилар:

	- етук зот (кўнғиз)	•	- тухум қўйиш		- личинка лок даври		- ғумбак даври		Кенгаш фазаси
--	---------------------	---	---------------	--	---------------------	--	----------------	--	---------------

1-расм. Майса узунбурун қўнғизининг нўхат экинида ривожланиш фенологияси (Тошкент вилояти Қибрай тумани, 2019 й).

Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси нўхатни бутун вегетация даврида зарарлайди. Шу давр ичида 3-4 та, кечки экилган нўхатда эса 5-6 тагача авлод бериб ривожланиши мумкин. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра суғориладиган ерларга экилган нўхат ўсимлигининг барглари ғовак ҳосил қилувчи пашшалар билан 32,2-89,6% гача зарарланганлиги, лалмикор ерларга экилган нўхат ўсимлиги барглари эса суғориладиган ерга экилганга нисбатан 2,0-2,5 мартагача кам зарарланиши кузатилган (2-расм).



№	Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар	Ўртача бир ўсимликдаги барглар сони, дона		Зарарланиш даражаси, %
		зарарланмаган	зарарланган	
1.	Тошкент вилояти	588,2-675,4	455,8-605,1	77,5-89,6
2.	Наманган вилояти	669,2-698,3	215,5-257,0	32,2-36,8
3.	Қашқадарё вилояти	254,6-416,2	87,3-201,4	34,3-48,4

2-расм. Турли ҳудудларда нўхат ўсимлигининг ғовак ҳосил қилувчи пашшалар билан зарарланиши (2018-2023 йй.)

Донхўрларни озиқланиш хусусиятларига қараб уч гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга Республикамиз шароитида нўхат донхўри (*Bruchus pisorum* L.), тўрт доғли донхўр (*Callosebruchus maculatus* Z.) ва ловия донхўри (*Acanthoscelides obsoletus* Say.) нинг озиқланиш хусусиятига қараб таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар иккала зараркунанда ҳам иккинчи гуруҳга мансуб ҳашарот ҳисобланади. Ловия донхўрининг тухумдан то етук зотлик давригача биринчи вариантда ривожланиш даври узунлиги 54,0 кун, иккинчи вариантда 30,0 кун ва учинчи вариантда 36,0 кун давом этган (4-жадвал).

Шу каби тажрибалар 45,0–50,0% хавонинг нисбий намлигида ўтказилганда эса донхўрларнинг ривожланиши янада чўзилганлиги кузатилди. Уларнинг серпуштлилиги пасайди, эмбрионал ривожланиш даври узайди, личинкалик ва ғумбаклик даври ҳам аввалги вариантга нисбатан

узунроқ бўлди. Ҳаво ҳарорати 20°C ва нисбий намлиги 45,0– 50,0% бўлганда ловия донхўрининг бир урғочи зоти ўртача 35,0 донагача тухум қўйган бўлса, уларнинг эмбрионал ривожланиш даври 22,0 кунгача чўзилиши кузатилди. Қуртлик даври 34,0 ва ғумбаклик даври 14,0 кун давом этди. Ҳаво ҳарорати 25°C ва намлиги 45,0 – 50,0% бўлган вариантда эса бу кўрсаткичлар, яъни 1 урғочи қўнғизнинг ўртача қўйган тухумлари 58,0 дона, ривожланиш даври узунлиги эса 15,0 кун, 22,0 ва 10,0 кун давом этиши кузатилди. Кейинги вариантда бир урғочи қўнғиз ўртача 51,0 дона тухум қўйган бўлса, уларнинг эмбрионал ривожланиши 18 кун, қуртлик ва ғумбаклик даври 26,0 ва 11,0 кун давом этиши қайд этилди. Ҳавонинг нисбий намлиги 45,0-50,0% бўлган вариантимизда ловия донхўрининг бир авлоди ривожланиш даври узунлиги 71,0, 48,0 ва 56,0 кун давом этганлиги аниқланган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Турли ҳарорат ва намликларда ловия донхўрининг ривожланиши (ЎКХИТИ, лаборатория тажрибаси, 2018-2023 йй.)

Т/р	Вариант-лар	Нисбий намлик, %	Серпуштли-лиги, дона	Эмбрион ривожла-ниши, кун	Курт-лик даври, кун	Ғумбаклик даври, кун	Бир авлодини ривожланиш, даври, кун
1.	20°C	65 - 70	75,0	13,0	27,0	14,0	54,0
2.	25°C	65 - 70	138,0	5,0	18,0	7,0	30,0
3.	30°C	65 - 70	101,0	6,0	20,0	10,0	36,0
4.	20°C	45 - 50	35,0	22,0	34,0	14,0	71,0
5.	25°C	45 - 50	58,0	15,0	22,0	10,0	48,0
6.	30°C	45 - 50	51,0	18,0	26,0	11,0	56,0


Тажриба натижаларига кўра, шуни хулоса қилиш мумкинки, ловия донхўрининг ривожланиши учун мақбул ҳаво ҳарорати 25°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 65,0-70,0% эканлиги қайд этилди ва зараркунанда ушбу ҳарорат ва намликда ривожланиши даври 30,0 кунгача давом этиши кузатилган.

Бугунги кунда, республикамизнинг суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларида етиштирилаётган нўхатлар ғўза тунлами билан зарарланаётганлиги, зарарланган ўсимликдан олинган донлар эса экишга ва истеъмол қилишга яроқсиз бўлиб қолаётганлиги тадқиқотларда маълум бўлди.

2018-2023 йилларда нўхатни ғўза тунлами билан зараланишини ўрганиш мақсадида Тошкент, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида қузатувлар олиб борилди.

Қибрай туманидаги Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида ўтказган қузатувларимизда зараркунандага қарши кураш тадбирлари ўтказилмаган 1 гектар майдондан 100 туп ўсимликдан 5 та намуна олинди, ҳосилнинг зарарланиш даражаси 53,8% ни ташкил қилди. Қашқадарё вилояти, Қамаш туманидаги “Хусан бобо” ф/х ва Наманган вилояти, Поп тумани “Раис Санг” ф/х да нўхат экилган майдонида олиб борилган тадқиқотларимизда олинган ҳар бир гектар майдоннинг 5 та жойидан 100 тадан ўсимлик ҳисобида намуналар олинди, бу майдонлардаги кўчатлар, улардаги дуккаклар ва зараркунандалар сони ҳисобга олинди, зарарланиш 62,2-57,6% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларига асосланиб хулоса қилинганда ғўза тунлами нўхат экинларини уларга қарши кураш олиб бормаган вақтда 53,8-62,2% гача зарарлаши мумкинлиги аниқланган (3-расм).



**3-расм. Нўхатнинг ғўза тунлами билан зарарланиш даражаси**  
(Тошкент, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари, 2018-2023 йй.)

Дон-дуккакли экинлар агробиоценозида энтомофаг ҳашаротларнинг 9 та оилага мансуб 15 та тури учраши аниқланди. Дон - дуккакли экинлари экилган далаларда табиий кушандалардан хонқизи, олтинкўз, афидидлар, йиртқич қандалалар, визилдоқ кўнғизлар, стафилинидлар, канахўр трипслар, паразит пашшалар кўпроқ учраши кузатилган(5-жадвал).

